

БАДИИЙ ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10019486>

Нишанова Турсуной Абдивоҳидовна

НамДУ доценти

Аннотация

Бу мақолада бадиий таржимани хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Хусусан, бадиий таржимани санъат даражасига кўтариш учун таржимондан жиддий билимлар талаб этилиши таъкидланган. Жумладан, уни сўз устаси бўлиши, таржимадаги бадиий тилнинг эмоционаллигини, бадиий реценция жараёнидаги ҳамнафаслик, қахрамонларнинг руҳига кириб бориши каби қобилият эгаси бўлиши лозим каби фикрлар илгари сурилган.

Калит сузлар

бадиий таржима, қахрамон, муаммолар, таржимон, санъат, чет тил, мураккаб жараён, қобилият, фонобилимлар, махсус, малакалар.

ABOUT THE PROBLEMS OF ARTISTIC TRANSLATION

Nishanova Tursunoy Abdivokhidovna, associate professor of NamSU

Annotation

This article talks about the features of literary translation. In particular, it was emphasized that serious knowledge is required from the translator in order to raise literary translation to the level of art. In particular, it was suggested that he should be a master of words, possessing the emotionality of the artistic language in translation, empathy in the process of artistic reception, and the ability to penetrate into the souls of characters.

Key words

artistic translation, hero, problems, translator, art, foreign language, complex process, ability, phonology, special, skills.

Бадиий асарни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш қийин жараён ҳисобланади. Мазкур жараён таржимондан махсус малакаларни талаб қилади. Масалан, кўшпаб чет эллик ёзувчиларнинг асарлари моҳирона таржима қилинган. Бироқ бу ақлий меҳнатни руёбга чиқариш учун таржимон кенг қамровли билимларга эга бўлиши лозим. Жумладан:

-она тили ва чет тилини яхши билиши;

-тил соҳибларнинг мамлақати, маданияти, тарихи, урф-одатларини яхши билиши;

-чет тилдаги мақолларни, фразеологизмлар, турғун ибораларни билиши;

-сўз бойлигига эга бўлиши.

Асосийси, таржимон ёзувчилик маҳорати малакаларига эга бўлишдир. Бадиий таржима - мураккаб жараён ҳисобланади. Таржимани қўйидаги турлари мавжуд:

-ижтимоий, сиёсий, маданий соҳалардаги (конференция, симпозиум) давлат аҳамиятига молик бўлган давлат вакиллариининг расмий ташрифи муносабати билан ўтказилган суҳбатларда таржима жараёни сўзма-сўз бир тилдан иккинчи тилга ўтирилади;

-синхрон таржимада (оғзаки) фикрлар аниқ ва равшан баён этилади, маълум тезликни талаб қилади.

Бадиий таржимада-чи? Таржимон биринчи навбатда бадиий асарнинг муаллифи каби асарнинг услубини ва ундаги тасвирланган муҳитни, машаққатли илмий меҳнати туфайли китобхонларнинг у ёки бу чет эл ёзувчига бўлган меҳр-муҳаббатини сақлаб қолиш каби асосий, мураккаб вазифаларни бажариши ва масъулиятни хис қилиши лозим.

Юқори савияда қилинган бадиий таржима асардаги асосий ғояни китобхонларга етказилади, уни “жонли” ва қизиқарли бўлишини таъминлайди. Шунга кўра, таржимон олдида турган бир неча муаммоларни айтиб ўтиш жоиздир.

Бадиий таржима сўзма-сўз қилинмаслиги керак. Оқибатда бадиий асарнинг моҳияти ва таъсирчанлиги пасаяди, ўз китобхонларини йўқотади. Кўшлаб таржимон-олимларнинг фикрича, ҳақиқий бадиий таржима аслиятда берилган маълум мантикий конструкциялар таржимасидан иборат бўлмаслиги, балки асар мазмунини ўзгартирилмаган ҳолда иккинчи тилга муқобил вариантда берилиши лозим. Бироқ бошқа олимлар бу фикрни аксариятини билдиришади. Жумладан, асарнинг мантикий конструкцияларнинг таржимаси инobatга олинмаса, бадиий асар ўз қийматини йўқотади.

Ушбу фикрларни таҳлил қилганда, қўйидагиларни айтиш мумкин:

-таржимоннинг мустақил ижодгорлиги, бироқ авторнинг асардаги қўйган ғоясини ифода этилиши;

-таржимоннинг фантазияси юқори даражада бўлиши;

-турғун иборалар ва фразеологизмларни таржима қилишда таржимонга махсус луғат керак бўлиши ва ўзи сўз бойлигига эга бўлиши.

Масалан, “Wie geht es Ihnen?” немис тилида берилган саволга таржимон уни турғун иборалигини билмаса нотўғри таржима қилиши мумкин, аслида унинг маъноси “Аҳволинг қандай?” Яна бир мисол. Э.Кестнер машхур немис тилшунос, тарихчи, театршунос, журналист, эркин ижод қилган сатирик ёзувчи эди. Унинг болаларга бағишланган хикоя ва романлари ҳажвияга бой, замон билан ҳамнафас бўлган. Эрих Кестнер ўз асарларида ахлоқсизлик, урф-одатларни сохталаштириш каби иллатларни қоралаган, фош этган.

Ёзувчи ўз асарларида (Германия ва Австрия) мамлакатларнинг давлат тили немис тили бўлсада, бироқ икки халқнинг кундалик ҳаётининг мулоқотида фарқлилик борлигини кўриш мумкин. Масалан, Германия ва Австрияда эрталабки салом икки хил айтилади: “Guten Tag” (Германия) ва “Servus” (Австрия). Миллий кийими ва таомларида ҳам фарқлилик учрайди. Таржимон ҳар бир мамлакатнинг фонобилимларини инобатга олиши зарур. Шу ўринда, ёзувчининг “Кичик божхона” номли асарини мисол қилиб кўрсатиш жоиздир.

Бу асарда берлинлик санъатсевар йигит ва австриялик ёш графинянинг севгиси баён этилган. Бундан ташқари, қизнинг отаси ҳаваскор ёзувчи сифатида ҳажвий асар ёзмокчи бўлади ва оиласи ёрдамида уни саҳналаштиришни режалаштиради. Асарнинг ғояси: ҳаваскор ёзувчи ўз оиласини миллионер оиласи билан қиёслаш эди. Ёзувчининг маҳорати воқеаларни ҳажвий усулда баён этганидир. Миллий калоритга бой бўлган асар воқеалари иккинчи жаҳон урушидан олдин содир бўлади. Бу вақтда Германия ва Австриянинг чегараларидаги вазиятнинг мураккаблиги, сиёсий нотинчлик ва шунга қарамай Австрияда ҳар йили август ойида ўтказиладиган санъат фестивали нафақат мамлакат, балки кўшни давлат бўлмиш Германиядаги санъатсеварларни ҳам бефарқ қолдирмай, об-ҳавонинг инжиқларига қарамай, узок йўл босиб келиши айтилган. Асар муаллифи ҳақиқий мусиқа шайдоларини машхур немис бастакори Моцартнинг беназир умрбоқий асарларидан йиллар оша баҳраманд бўлганларини тасвирлайди. Муаллиф китобхонга тили ўрганилаётган мамлакатга оид кўплаб тарихий – маданий билимларни тақдим этади. Мазкур асар мазмунини таржима қилиш учун таржимон Германия ва Австриянинг тарихий босқичларини яхши билиши, маданияти ва санъатига доир муҳим маълумотларга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Замонавий таржимашуносларни таъкидлашча, бадий асарни шаклини сақлаб кўйишдан кўра, ундаги эстетик маълумотларга кўпроқ аҳамият бериш ўринлидир. Бадий таржимада асарда берилган мақоллар,

афоризмлар, кенг тарқалган сўз ибораларнинг таржималари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга таржимон ўз она тилини ҳам мукамал билиши муҳим омиллардан бири ҳисобланади ва бу ўз навбатида бадиий таржимани сифатли бўлишини таъминлайди.

Баъзи бадиий асарларда ҳазил-мутоиба сўзлар, сўз ўйинлари ҳам ўрин олади. Уларни таржима қилишда таржимондан моҳирлик талаб этилади. Уни сўз устаси бўлиши, таржимадаги “бадиий тилнинг эмоционаллигини, бадиий рецепция жараёнидаги ҳамнафаслик, қахрамонларнинг руҳига кириб бориши каби қобилият эгаси бўлиши лозим.” [1]

Хулоса қилиб, шунини айтиш мумкинки, асарнинг бадиий таржимасини санъат даражасига кўтариш учун таржимон чет тилини мукамал билиши, сўз устаси, иқтидорли ёзувчилик маҳорат эгаси бўлиши талаб этилади. Бадиий таржима санъатнинг бир тури ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Фарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари, Т., “Фан” нашриёти, 2008.
2. Мусаев Қ. Тил ва таржима, Т., “Фан” нашриёти, 2006.
3. Эрих Кестнер “Кичик божхона”, Г., 1999, ISBN (EAN): 87-11-09171-1.